ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

26 июль, шанба 1997 йил №87 (437)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг

ҚАРОРИ
БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 1997 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 1997 йил 24 июль.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ИНТЕГРАЦИЯ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Аввал хабар қилинганидек, Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Уч мамлакат раҳбарлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ҳамда Асқар Акаев 24 июль куни шу ерда учрашди. Самимий ва ошора руҳда ўтган мазкур учрашувда президентлар бугунги кунда мамлакатларимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Давлат раҳбарларининг салкам икки соат давом этган мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш, ягона иқтисодий макон дориасида ҳозирга қадар имзоланган ҳужжатларни амалда жорий қилиш жараёни, шунингдек, минтқада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳаётдаги долзарб муаммолар бўйича ўзаро умумий нуқтаи назарни ишлаб чиқиш ва қатор бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Уч давлат раҳбарининг учрашувич оғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнини янада чуқурлаштиришнинг амалий чораларини кўриш муҳим вазифа экани алоҳида тақидланди. Шу мақсадда Президентлар иштирокчи давлатлар Бош вазирлари кенгаши энергетика, сув захиралари, ягона коммуникация маконини шакллантириш, минерал-хомашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати, шунингдек, ҳудуддаги барча турдаги захиралардан оқилона фойдаланиш бўйича халқаро консоциумлар тузиш ҳақида давлатлараро кенгашнинг навбатдаги мажлисига аниқ ва асосли таклифлар тайёрлашни топширишди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ушбу саъй-ҳаракатлардан кўзда тутилган асосий мақсад Марказий Осиёда ягона бозорни шакллантиришдир.

Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашувини чуқурлаштириш мақсадида қабул қилинган қўшма лойиҳаларни амалга оширишида Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг «(Центразбанк») алоҳида ўрни бор. Учрашувда ушбу банк фаолияти, шунингдек, Европа иқтисодий комиссияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари бўйича иқтисодий комиссия (ЭСКАТО) билан ҳамкорликда Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастур ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди. Хусусан, «Центразбанк» билан европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, «Токио-Мицубиси» каби йирик халқаро молиявий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзаро интеграция жараёнининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳам бугунги кунда айниқса муҳимдир. Бошқача айтганда, интеграция ривожи унинг ҳуқуқий механизми қай даражада эканига кўп томондан боғлиқ. Учрашувда интеграциянинг ҳуқуқий механизмини яратиш мақсадида уч республика парламентлари аъзолари кенгашини тузиш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳам айнан шундан далолат беради.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг муҳим шартларидан бири минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга ҳам бевосита боғлиқдир. Шу маънода, бугун Афғонистонда кечаётган воқеалар унга қўшни давлатларни ташвишга солиши табиий. Президентлар мазкур масалада ўзларининг ягона нуқтаи назарда эканини билдириб, Афғонистон можароси тинч музокаралар йўли билан ҳал этилиши лозим, дея таъкидладилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Бишкекда БМТ ҳомийлигида Афғанистонга оид ҳалқаро анжуман ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Ушбу анжуманда Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ҳамда барча қизиқувчи мамлакатлар вакиллари иштирок этади.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Зеро, шундагина конференция амалий натижа бериши мумкин. Шунингдек, мулоқот чоғида БМТнинг зиҳирадаги кучлари сафига кирувчи Марказий Осиё тинчликни сақлаш батальони («Центразбат») фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон раҳбарларининг 1996 йил Бишкекда бўлиб ўтган учрашувида мамлакатларимизда кечаётган сиёсий иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳақида қўшни давлатларга кенгроқ ахборот бериш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш учун «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журналини ташкил этишга қарор қилинган эди. Чўлпонота учрашувида Президентлар ушбу журналнинг бош муҳарририни тасдиқлашди. Томонларнинг ўзаро розилигига кўра, Ўзбекистон томонидан тавсия этилган Одилбек Қайипбергенов «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журналининг бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

Музокаралар сўнгида иштирокчи давлатлар раҳбарлари уч томонлама қўшма ҳужжатларни имзолаб, Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги ва ривожланишига ҳамда ҳалқаро ҳамкорлиги ва ривожланишига ҳамда ҳалқаро ҳамкорлиги ва ривожланишига ҳамда ҳалқ

Касаба уюшмалари ҳаёти

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Яқинда Россия Федерацияси Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг вакиллари Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Вакиллар таркибида Марказий қўмита раиси В.Савченко, Москва вилоят тармоқ касаба уюшма қўмита раиси В.Бушуева ва ташкилий услубий бўлим мудири Ю.Малков бор эдилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Ҳ. Б. Жамолов билан учрашди. Шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшмаларининг фаоллари билан ҳам фикр алмашдилар. Фаоллар билан бўлган учрашувда Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Ж. Олимхўжаева меҳмонларга тармоқ касаба уюшмасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Учрашувда Россия Федерацияси Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси етакчиси В.Савченко сўзга чиқиб, ҳозир касаба уюшмалари ўз тарихида кескин даврни бошидан кечираётганини таъкидлаб ўтди. Ана шундай шароитда Россия касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг энг муҳим ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашмоқда. Ижтимоий шерикчилик йўли билан тармоқ битимлари ва жамоа шартномаларини тузиш учун музокаралар олиб бормоқда.

-Ўтган оғир йиллар мобайнида касаба уюшмаси ўз мавқеи ва обрўйини сақлаб қолишга муяссар бўлди, - деди Владимир Савченко. - Россия Федерациясида бизнинг тармоқ касаба уюшмамиз энг катта ташкилотлардан бўлиб, унга 1,5 миллиондан кўпроқ аъзо бирлашган. Лекин шу билан бирга энг мураккаб жамоат бирлашмасидир. Касаба уюшмамизда 47 вазирлик ва давлат муассасаларининг ходимлари бирлашган бўлиб, уларда меҳнатга ҳақ тўлаш турличадир. Шу боисдан бу ташкилотларда ижтимоий муаммолар, меҳнатни ташкил қилиш масалалари бир-бирига ўхшамайди.

-Тармоқ касаба уюшмасида, - деб таъкидлади нотиқ, - ҳозирги пайтда ижтимоий шерикчилик аста-секин йўлга қўйилмоқда. Умуман, Россияда барча касаба уюшмалари 54та тармоқ битими имзоланган. Шундан 11 таси бизнинг Марказий қўмитамизга тегишлидир. 12 мингдан кўпроқ муассаса ва ташкилотларда жамоа шартномалари имзоланган. Булардан ташқари бизнинг Марказий Қўмитамиз «Россия Федерациясида давлат хизматининг асослари ҳақида» ги қонун лойиҳасини тайёрлашда фаол иштирок этди. Ана шу қонунда давлат хизматчилари касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бу билан касаба уюшмалари ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Владимир Савченко ўзи етакчилик қилаётган касаба уюшмалари аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, иш билан бандлик, ҳуқуқий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси ва соғломлаштириш масаласида тўхталиб, бу борадаги ишлар ва мавжуд муаммолар ҳақида гапириб берди. У учрашув иштирокчиларининг саволларига ҳам жавоб берди. Жумладан, касаба уюшмалари амалда ижтимоий шерикчикнинг қандай шакл ва усулларидан, қандай фойдаланяяпти, деган саволига қуйидагича жавоб берди:

- Шакл ва усуллар ранг-барангдир. Жойларда бу ўз натижасини бераяпти, Албатта, бошланғич ташкилот етакчиларининг уддабуронликлари, билимдонликлари, тадбиркорликлари бунда қўл келаяпти. Вазирлик ва давлат муассасалари билан тузган тармоқ битимлари, шунингдек ташкилотларда, муассасаларда тузилган жамоа шартномалари ана шу ижтимоий шерикчикнинг намунасидир. Бу битим ва шартномаларнинг тўла ижроси озгина фойда келтираётгани йўқ.

Ҳар бир қўмита ўзига маъқул бўлган усулни қўллаяпти.

Тармоқ касаба уюшмаси Москва вилояти қўмитасининг раиси В.М.Бушуева ўз тажрибалари ҳақида учрашув қатнашчиларига сўзлаб берди. Учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари О.А. Муҳитдинова иштирок этди.

Меҳмонлар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишиб, Бухорога учиб кетдилар. Улар Бухоро ва Самарқандда тармоқ касаба уюшмалари фаоллари билан учрашиб, тажриба ўрганишди. Бу қадимий шаҳарларнинг маданий ёдгорликлари билан танишдилар. Меҳмонлар Бухоро ва Самарқанд сафаридан Тошкентга қайтиб келганларидан сўнг, Тошкент вилоятидаги соғломлаштириш лагерларида бўлишди.

А. СИЛЕЕНКОВ.

Суратда: Меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Ҳ. Жалилов билан суҳбатлашмоқда.

Истеъмолчи манфаати-муқаддас

ТИРИКЧИЛИК ДЕБ ОДАМГАРЧИЛИКНИ УНУТМАНГ

Отанг бозор, онанг бозор, дейди халқимиз. Бу кичик мақол замирида кўплаб маънолар ётади. Ҳар ким ўз имкони даражасидан келиб чиққан ҳолда фикр қилади, иш юритади. Ҳеч биримизга сир эмаски, миллий шаклда кўркам безатилган бозорларимиз ҳар биримизнинг маълум маънода тирикчилик марказимизга айланиб қолган десак муболаға бўлмас.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври оз бўлса-да, ўзига хос иқтисодий қийинчиликларга олиб келмоқда. Ҳар ким имкониятига, қобилиятига қараб рўзғор тебратаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Минг афсуски, барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилиб қўйилган ушбу даврда ҳам баъзи бир кишиларимиз бозорда ҳамма нарсани сотишни мумкин экан, деган тушунчани олдинга суришмоқда.

Биз хизмат юзасидан республикамизнинг кўплаб бозор ва дўконларида бўлганимизда Вазирлар Маҳкамасининг 604-қарорига асосан халқ истеъмолига зарур бўлган маҳсулотлар дўконларимизда анқонинг уруғи-ю, лекин бозорларимизда тўлиб тошаётганига гувоҳ бўлдик.

Сотувчиларни суҳбатга тортганимизда «Ипподром бозоридан олиб келяпмиз»»-дейди, холос. Ваҳоланки, ипподром бозорида ишлаб чиқариш ташкилоти, биронбир шакар ёки ёғ заводи йўқку.

Пахта ёғини оладиган бўлсак, бу маҳсулот республикамизнинг саксон фоиз дўконларида давлат фондига асосан охирги маротаба март, апрель ойларида февраль ойи ҳисобига тарқатилган. Бу муаммонинг асли ечим нуқтасига етмоқчи бўлсак чигитни баҳона қилишади. Лекин бозорларимизда пахта ёғи 190 сўм нархида сотилмоқда-ку. Улар қаердан олинмоқда? Яқинда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги ТТЗ бозорида бўлганимизда Илҳом Дарвешов 150 кг пахта ёғини 190 сўмдан сотаётганининг гувоҳи бўлдик. Бозор директори Эргаш ака Насриддиновдан буни қандай тушунтирасиз, десак, биз булардан чипта пулини олмаймиз, бу йўлакда ўзлари қўйиб сотаётган бўлса керак, деган жавобни олдик, холос. Ваҳоланки, Илҳом укамиз бу йўлакда сотиш учун 50 сўм чипта пули берганлиги, ёғнинг эгаси бозорда ишлашлигини ва Расул Ҳайдаров эканлигини айтишга айтди-ю, ёғни каердан олаётганини айта олмади. Расул Ҳайдаровни эса биз топа олмадик. Наҳотки, бозордаги СЭС ходимлари, солиқ қўмитаси ва ички ишлар ходимлари бу очиқ жиноятга панжара ортидан қарасалар ёки бўлмаса президентимиз Фармонларидан булар хабардор эмасмикин, деган хулосага боришдан ўзга чора қолмади. Шунингдек, ушбу тумандаги «Наврўз» бозорида ҳам «Шоҳиста опамга тегишли», дея бозор ТЗПСга қарашли сотувчи Тўра Исмоилов шакарни 140 сўм, унни 65 сўм нархда сотаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу ҳолат икки бозорда ҳам бир неча бор учради. Жавоб эса битта, юқорида айтганимиздек Ипподром бозоридан олаяпмиз, дейишади.

Кўриниб турибдики, баъзи ташкилот раҳбарлари ҳали ҳам харидор, истеъмолчи манфаатини кўзлашдан йироқ, қолаверса, шулар харид қилаётган юзлаб кўзлашдан йирок, қолаверса, шуларни харид қилаётган юзлаб одамлар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниб етишдан йироқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, савдо ходимлари, савдо-сотиқ билан шуғулланаётган тадбиркорларимиз ўз вазифаларини виждонан адо этишга интилишлари керак. Айни пайтда харидор, истеъмолчилар ҳам ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга одатланишлари даркор. Чунки бозор иқтисодиёти ҳар биримиздан ҳушёрликни талаб этаётир.

Б. АБДУРАҲМОНОВ
У. АҲРОРОВ,
«Ишонч»нинг махсус мухбирлари

МЎЛ ҲОСИЛ ЯРАТАЁТГАНЛАР

Ҳали эрта тонг бўлишига қарамай Тошлоқ туманидаги Шерматов номли жамоа хўжалиги далаларида ҳаёт қайнайди. Хўжалик бошқаруви раиси Отаназар Маманов шу паллада дала айланиб Муродали Тешабоев етакчилик қилаётган бригада шийпонига етиб келди. Шийпон ёнгинасидаги картада механизатор Раимжон Пўлатов ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бераётганидан мамнун бўлди, шекилли, «Отангга раҳмат» деб мийигида кулиб қўйди раис. Бригада деҳқонлари жорий йилда 75 гектар майдонга «Фарғона-3» навли уруғ қадашиб, ҳар гектар ердан 35 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишяпти.

Дала шийпони дид билан безатилиб, деҳқоннинг ҳақиқий оромгоҳига айлантирилган. Бригада деҳқонлари учун чой қайнаб турибди. Бир сўз билан айтганда, деҳқонларнинг яхши меҳнат қилишлари учун бу ерда шарт-шароитлар муҳайё этилган. Биз шу ерда жамоа хўжалиги бошқаруви раиси билан учрашдик.

- Хўжалигимиз меҳнат аҳли бу йил 730 гектар майдонга барвақт сифатли қилиб чигит экиб, уни ундириб олди,-дейди раис биз билан суҳбатда. Ана шу майдоннинг ҳар гектаридан 30,7 центнердан ҳосил олиб, жами 2240 тонна юқори навли дурдона сотишга азму қарор қилганмиз. Шу сабабли ҳозирги кунда ғўза парваришига катта эътибор беряпмиз. Хўжалигимиздаги 16 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида ҳозирги кунда қатор ораларига юқори агротехника қоидалари асосида ишлов берилянти. Мана, ёз чилласи ҳам авжида. Ғўза парваришида муҳим давр бошланди. Шу кунларда астойдил ҳаракат қилиб, илғорлар тажрибасига таяниб иш юритган заршуноснинг кузда кўтарадиган хирмони баракали бўлади.

- Бу йил биз 277 гектар ерга плёнка остига чигит экканмиз,- дейди суҳбатни давом эттириб раис. Плёнка остига чигит экилган майдонларда бугунги кунда ғўзалар ёппасига гуллаб, 5-6 тадан кўсак тугди. Ҳозирги кунгача ғўза қатор ораларига тўртинчи ишлов беришни тугалладик. Икки марта ўгитладик. 3 марта чопиқ қилдик. Яна ғўза қатор ораларига икки марта ишлов бериб, бир марта чопиқ ўтказамиз. Эндиги асосий вазифа экинни суғориш, уни хашорат ва зараркунандалардан асрашга эътиборни кучайтиришдир.

Сал нарида бригада сардори Муродали Тешабоев механизаторга нималарнидир тушунтирмоқда эди. Бизни кўриши биланоқ биз томон юрди. Қисқача салом-аликдан сўнг мақсадга кўчдик.

-75 гектар майдонга сифатли қилиб чигит экканмиз. Кўриб турганларингиздек, ғўзаларимиз баравж ўсиб, кўсакка кўсак қўшилаяпти. Ғўзанинг баравж ривожланишида, мўл ҳосил тўплашда сувчининг маҳорати муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам айни кунларда барча сувчиларимизга етарли шарт-шароит яратиб берганмиз. Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришни сира тўхтатганимиз йўқ. Бунда бригада механизатори Райимжон Пўлатовнинг ҳиссаси катта бўлянти. Мақсадимиз гектар ҳисобига 40 центнерлик хирмон бунёд этишдир.

Биз Марказий Фарғона массивида меҳнат қилаётган чўлқувар Зокиржон Рўзматов етакчилик қилаётган бригада даласида ҳам бўлдик. Чўлқуварлар 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариш учун курашяптилар.

Бу йил об-ҳавонинг мураккаб келиши натижасида ғўза ўсимлигида ҳар хил зараркунанда хашоратларнинг кўпайиши кузатилмоқда,-дейди жамоа хўжалиги бош агрономи Эргашали Шерматов. Айниқса, сўрувчи хашоратлардан кўк шира, қора шира, пахта бити кабилар ғўза ниҳоллари барги орасига жойлашиб олиб, ўсимлик ширасини сўриб озиқланади. Натижада ғўза ўсимлиги нимжонланиб, ривождан орқада қола бошлайди. Шунинг учун бу йилги шароитда зараркунандаларга қарши ҳар гектар ерга 2 килограммгача «АНТИО» препарати ёки бошқа кимёвий дориларни ишлатяпмиз.

Хўжаликдаги мавжуд 16 та дала шийпони дид билан безатилиб, деҳқонларнинг иккинчи уйига айлантирилган. 2 та доимий, 10 та мавсумий болалар боғчаси намунали ишлаб турибди. Хўжаликнинг марказий ошхонасида ҳар куни 300 та бола учун сутли овқат пишириб бериляпти. Шуни айтиш керакки, кейинги пайтларда хўжаликда касаба уюшмаси қўмитаси фаолияти анча жонлашди. Сайбурҳон Сайфуддинов етакчилик қилаётган жамоа касаба уюшмаси қўмитаси меҳнаткашларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта эътибор беряпти. Бу ерда икинчи жаҳон уруши, меҳнат фахрийлари, Афғончи, Чернобиль фожиаси қатнашчилари, кам таъминланган, якка-ёлғиз оилалар, қарияларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш одат тусига кирган. Уларга хўжаликда бор озиқ-овқат маҳсулотларидан баҳоли қудрат ёрдам берилмоқда. Меҳнаткашларга ғамхўрлик бор жойда меҳнатда ютуқлар ҳам бўлади. Жамоа хўжалиги раҳбарияти шуни ёддан чиқармай иш тутади, деган умиддамиз.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ.

Чапдаги суратда: жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Отаназар Маманов сувчи Омонбой Ахмаджонов билан бирга.Ўртадаги суратда, илғор механизатор Дилмурод Умаров. Ўнгдаги суратда: илғор бригада бошлиғи Муродали Тешабоев (чапда) ҳамда ижарачи Абдухалил Мамасолиевлар ғўза ривожини кўздан кечиришяпти.

ЯНА ҚАНДАЙ ТОМОША, ДОМЛА?!

ёки катта бир университетни «жанг майдони»га айлантириб қўйган ректорга эътиборига

Домлажон, «Оқ савоқми, кўк савоқ?!» фельетони («Ишонч» газетаси, 6 сентябрь 1996 йил) босилиб чиққач, ўзингизни ўнглаб оларсиз, кимларнингдир қутқусига ишониб, аёл киши билан пачакилашиб ўтирмассиз, дегандик. Қатъий ва мустақил, олимона мулоҳазаларингизга таяниб иш кўрарсиз, атрофингиздаги «соя»лар етагида иш тутаверишга гурурингиз йўл қўймас, дея умид қилгандик. Афсус, яна сиз ҳақингизда аянчли бўлса-да, «мактуб» битишдан ўзга чора қолмади. Асли ким эканлигингизни ҳис этарсиз, сизга «ҳомийлик» қилганлар аслида кимни ҳимоя қилиб, шарманда бўлганларини англаб олишар...

Сиз Наманган Давлат Университетига ректор бўлиб келганингиздан бери вилоят суд ва прокуратура идораларининг иши қўпайиб кетди денг! Эшитган қулоққа яхши эмас. Аммо, начора, ҳеч бир олий билим даргоҳида сиз раҳбар бўлган университетдаги қинғир ишларчалик шов-шув кўзга ташланмаган. Бундай далилдан кўз юмиб бўлмайди.

«Ишонч» газетаси (13 февраль, 1996 йилги сони)да қалбаки йўл билан талабалар стипендиясини ўзлаштирганлик учун университетингиздан Г.Солиев, О.Зокиров, А.Исматуллаевлар 4 йилга озодликдан маҳрум этилгани ёритилганди. «Наманган садоси» (6 февраль, 1997 йил) университет қабул ишларида порахўрлик қилгани учун доцент Ш.Улуғхоновнинг 4 йилга қамалганини ёзади. Шунингдек, биология кафедраси ўқитувчиси F.Ғаниев талабалардан «чўтал» йиғиб, порахўрлиги учун 3 йилга «кесилди». 1997 йилнинг мартида спорт кафедраси доценти А.Умаров сиртқи бўлим талабаларидан 2000 сўм пора олиб, 5 йилга озодликдан маҳрум бўлди.

Чамаси «университет тажрибаси»ни бошқа билим юртларида ҳам кенг оммалаштиришга уринишлар бўлган кўринади. Акс ҳолда филология факультетининг доценти Н.Болтабоев Наманган тиббиёт билим юрти қабулида лутфан иштирок этиб бериши сўралганида пора олиб 10 йилга қамалиб кетмаган бўларди.

Булар университетнинг маънавий инқирозга юз тутганидан, кадрлар билан ишлаш ёмон аҳволда эканидан далолат бермаяптими?

Айнан ўзингизнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларингизни суд кўриб чиқиб, 1996 йилнинг 6 май кунида доцент М.Мирзаабдуллаева ва катта ўқитувчи Х.Ҳамроқуловаларни ноҳақ ишдан бўшатганингизни исботлаб қўйди. Шундаям «омадингиз чопиб» қолганди. Акс ҳолда келтирилган моддий зарар университет хазинасидан эмас, сизнинг ва проректорингиз М.Ҳожимирзаевнинг чўнтагидан унидирилиши лозим эди!

Наманган вилоят ҳокимлиги мазкур масала юзасидан «Ишонч»да босилиб чиққан «Оқ савоқми, кўк савоқ?!» фельетонига юзаки жавоб қайтаришди. Нима учун юзаки деб топяпман? Вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Дадажонова имзо чеккан мазкур расмий хатда кўрсатилишича, «Фельетон бир ёқлама ёзилган» эмиш. Аммо ўша «Бир ёқлама»лик нимада эканлиги хусусида эса лом-мим дейишолмаган! НамДУ ректоратидан келган мактубда ҳам (келишиб олишганми, нима бало!) «Бир ёқлама»лик ҳақида сўз юритилиб, «иккинчи ёқлама»сига «тишлари ўтмаган»и қизиқ туюлади. Муҳокамаларда фельетон муаллифининг иштироки мақсадга мувофиқлигини «унутган»лари эса янаям ҳайратланарли. Қизиқ, университетда фельетон муҳокамаси учун умумий йиғилиш чақирилишиб «махсус кишилар»нинг «сўзга чиқиш»га тайёрланиб жамоа ўртасида «ҳе йўқ, бе йўқ» мухбирни қоралаш бир ёқламалик эмасмиди? Аслида фельетоннинг ўзи эмас, балки у бўйича махсус комиссия ўрганиб чиққан хулосалар жамоа муҳокамасига қўйилишини англаш учун катта ақл керакмас. Ана ўшанда ўзлари ҳам «икки ёқлама» ишни қойиллатишган бўларди. Энг муҳими, университетдаги бугунги «муҳокамабоп» ишлар ўрчиб кетишининг ўшандаёқ олди олинган бўларди. Қизиқ, жавоб хатининг фалсафий мушоҳадалар билан жимжимадор сўзларга битишга ва сўнггида ўзингизнинг оппоқ эканлигингизни» шахсий уй ҳам ололмаганингиз»-у, ҳукуматдан «мукофот таъма қилмаганингиз»ни ҳикоя қилишга ҳожат йўқ эди.

Хулласи калом, Сизнинг раҳбарлигингиздаги «ишлар» боис университет номи тез-тез матбуотда кўрина бошлади. Атиги сўнгги бир ярим йилнинг ўзидаёқ республика турли матбуотларида ўнга яқин НамДУ «ҳангомалари» ёритилган, бўлса-да, сиз ҳали ҳануз осмонда юрибсиз.

— Ким бўпқопти журналист? — дедингиз университетда «Оқ савоқми, кўк савоқ?» фельетони муҳокамаси куни, — ҳаммаям ёзаверади-да, мана, ўзим ҳам ёзиб ташлайман...

Ҳақиқатдан ёзиб ташладингиз! Натижада Университет сизнинг «сценарийларингиз» асосида катта жанг майдонига, атрофдагилар учун «томошахона»га айланиб кетди. Ур-сурлар, суддашувлар-у ёзишмалар авж олиб кетди.

— Университет домлалари нимага судма-суд югуриб юришибди?-сўрадим бир танишимдан.

— Э-э, бу ректор деганларнинг таги йўқ, ректорнинг ўзи вилоят ҳокимлиги, Республика идораларига бориб, «Фалончи профессоримиз бировни уриб, олим номига доғ туширди» — деб овоза қилиб келган. Шу масала бўйича бўлган судга Шамсибоев деган проректорларни жўнатган экансиз, бечора шармандаликдан қизариб: — Ректорнинг ўзи жавоб берсин, бу ишларга мен аралашмаганман, — деб қутилибди... Қабулхонангиздаги воқеа эса антиқа. Ҳизматчилар олдида Аллохнинг муборак каломини олиб уларни қасам ичишга буюргансиз. Шунга қонуний, қолаверса маъновий ҳақлимидингиз?

Мана энди Наманган шаҳар судининг 1997 йил 23 июндаги қарорига кўра, Наманган Давлат университети ректорати жабр тортган киши — университетнинг тадбиркорлик ишлари бўйича проректори профессор, филология фанлари доктори Неъматилла Отажонов шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тасдиқланмагани ҳақида раддия бериши керак. Буниси не томоша?!

Хўш, энди университет умумий йиғилишида, Наманган вилоят ҳокимлигида, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида гап тарқаётган ҳаёлингиз, сохта маълумотлар тўла папкани қўлтиқлаб борганингиз ростлигини айтишга, раддия билдиришга бўйнингиз ёр берармикин?!

Ҳамма гапни дастурхон қилишдан не фойда, дейману, лекин... География факультети иккинчи босқич 202-гуруҳидаги ўқийдиган қиз 1997 йилнинг 7 февралидан бери бирон марта инглиз тили дарсига кирмасдан қишки сессияда қатнашмай синовдан ўтмаган. Аммо шунга қарамасдан стипендия билан таъминланган. Бу талабаларнинг ҳақли эътирозига ҳам сабаб бўлган...

Сиз январь ойида университет маблағи ҳисобидан ўзингиз учун икки хоналик уй сотиб олгансиз. Апрель ойида эса текшириув борлиги ва ёки ректорнинг ростлигини боис университет учун «сотиб олинган меҳмонхона» сифатида расмийлаштириш ҳаракатига тушгансиз. Ахир махсус коттеджингиз борлигига қарамай, «ўзингиз учун хонадон сотиб олишга» пул сўраб, университет касаба уюшмаси раиси М.Бадалов номига ёзилган аризангиз фош қилиб қўйишини ўйламабсиз-да? Шу пайтгача университетга келувчилар ва меҳмонлар учун махсус жиҳозлаб, тайёрлаб қўйилган профилакторийдан фойдаланилган-ку? Университетнинг бугунги иқтисодий шароитида бекорга маблағ харжлаш зарурмиди?

Натижада ўқитувчиларингиз вилоят прокурорига мурожаат қилганидан оғринган чиқарсиз, Ҳозирга қадар махсус ҳисобга туширилган пулдан меҳнат жамоасини ижтимоий ҳимоялашга 30 фоизлик қўшимча маблағ сифатида фойдаланиб келинган. Сизнинг юқоридагидек «саъй-харакатингиз» билан жамоа шундай ҳимоядан маҳрум бўлди.

Олийгоҳга шартнома асосида қабул қилинган талабалар вазирликнинг Низомига кўра ўз вақтида пул тўламаса университетдан четлатилади. 1996 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида 10 га яқин талабалар ҳақиқатан шароитлари оғир бўлса-да ўқишдан ҳайдалган. Уларнинг тўлаши лозим бўлган маблағ 6—7 минг сўмгинани ташкил этарди. Ҳозирда эса тарих, педагог-ҳуқуқшунослик ва бошқа факультетларда 50 минг сўмлик қарзи бўлгани ҳолда, бемалол стипендия олиб, ўқиб юрган талабаларга нима дейсиз?

1996 йилда 150 нафар талабани «пахтага бормагани учун» университетдан ҳайдаб юборишга буйруқ чиқаргансиз. Уч ойдан сўнг эса «буйруқни бекор» қилгансиз.

Қаранг, университетда қандай муаммолар урчиб ётибди! Мана Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Наманган вилояти бошқармаси университетни тафтиш қилгани натижалари. Натижа жудаям даҳшатли! Тагида ўзингизнинг ҳам иқрор имзоингиз бор. Бу иш ҳам прокуратурага оширилибди.

Сиз эса ҳануз турли томошалар «саҳналаштириш» билан бандсиз. Масалан, 1997 йил март ойида университетнинг мактабгача тарбия педагогика ва психологияси кафедраси жамоаси Наманган вилоят ҳокими Т.Жабборовга мурожаат қилди. Мазмуни, вилоятда олий маълумотли педагог-психологлар етишмаслиги, олий даргоҳда эса бу мутахассислик тайёрланиши сунъий равишда қисқартирилаётганлиги.

Вилоят ҳокимлиги 1997 йил апрель ойида комиссия тузди, тармоқ касаба уюшмаси раиси Х.Тўлабоев бошчилигида ўрганилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига шу мутахассисликда кадрлар тайёрлаш учун битта гуруҳ қабул қилишга ёрдам бериш сўралиб махсус хат уюштириладиган бўлди.

Университет ректоратининг фикри эса кулгингни қистатади. «Бола боғча камайиб кетди» қабилидаги жавоб наинки олим одамга ярашса?! Ахир университет вилоятдаги болалар боғчасига тарбиячи тайёрламайди. Намангандагина эмас, қўшни вилоятларда ҳам мазкур соҳада кадр етишмаслиги боисидан бу ишлар номаълум-нотайин кишилар қўлига топшириб келинаётгани сир эмас.

Асли бу ишларнинг ҳаммасини сиз проректорингиз М.Ҳожимирзаев билан бир аёлдан ўч олиш, университетдан қувиш илинжида қилаётганингизни ҳамма сезиб турганидан наҳот уялмасангиз?

Сиз яхши режиссёр эксансиз! Сизнинг «саҳна ўйинларингиз» олдида ҳатто республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам оддий актёрлар мажмуасига айланди-қолди! Акс ҳолда юқоридаги масалага эътиборни ўтган йилдаёқ қаратишган эди...

Биламан, сиз ҳали бундан кўп томошалар қўясиз! Ажойиб жанжаллар ўйлаб топасиз. Балки, ечимларга бой томоша бўлар. Қизиқ, пардани ким тушираркин?!...

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
журналист.

Қуш уясида кўргани...

БОЛАНИНГ КАТТАГА ИБРАТИ

Ҳозир болалар ҳаёти, уларга тегишли муаммолар ҳақида гап кетса, албатта афсус билан уларнинг пул топишга қизиқиб кетаётганлиги, ахлоқ-одоби, кишиларга, бир-бирига меҳр-муҳаббати камайиб бораётгани ҳақида куйиниб гапирилади.

Хўш, ҳамма болалар ҳам шундай аҳволга тушиб қолишдими? Албатта йўқ. Фақат шу йўлга кирган болалар бошқаларга ўз таъсирини ўтказиб, ўз сафини кун сайин орттириб бормоқда.

Фарзандимиз жароҳат олиб, Тошкент болалар тиббиёт институтининг 2-шифохонасига қатнаб юрган кезларимиз эди. Шифохонага етар-етмас машина ёнилгиси тугаб қолди. Қўлимизга сиғими 3 литрча келадиган идиш олиб, ўтган-кетган машинага бензин сўраб ишора қила бошладик. Шунда бир ҳайдовчи тўхтаб, шу ердан Юнусобод томонга 200 қадам нарида ёқилғи қуйиш шахобчаси борлигини айтди. Жонимиз кириб, шу томон югурдик. Ростдан ҳам шундай экан. Бензин қуювчига вазиятни тушунтириб, идишга 2 ёки 1 литр ёқилғи қуйишни илтимос қилдик. Чунки шахобчалардан идишга қуйиб сотиш манъ қилинган эканлигини билардик.

Йўқ, энг арзон бензиннинг 1 литри 35 сўм бўлган мазкур «С. Лола» хусусий фирмаси деган ёзувли бу шахобчада шу куни ўтирган йигит қонунни қаттиқ ҳурмат қилар экан. Шундоқ яқингинадаги касалхонада бемор болага дори-дармон олиб келаётганлигимизни, машина шу ергача етмай қолганлигини айтиб ёлворишимизни ҳам инобатга олмади. Шунда машиналарга бензин қуйишда кўмаклашаётган чамаси 10-12 ёшли икки бола бизга шивирлади.

— Амаки, сиз уч литрга пул тўлаб келинг, биз ёрдам берамиз.

Шунда улардан бири бензин олишга келган навбатдаги машина «Волга» ҳайдовчисидан биз учун машинасига 3 литр бензин қуйиб олишини сўради. Рости, бу хожатбардорликдан бирор бир таъма бўлса керак, дея жаҳлим чиқди. Лекин шу топда хафа бўлишнинг пайти эмас эди. Пул тўлаш учун ҳалиги йўғонгина йигитга югурдим. Пул узатишим билан қийламизни сезиб қолган йигит микрафонни олиб, ҳалиги ҳайдовчига даг-даға қилди: «Волга», бензин олдингизми, жўнанг».

Кейин йўл бошига чиқиб, бензин олишга кираётган ҳайдовчидан илтимос қилдик. Ў бориб биз учун 2 литр қуйиб, 12 литрга пул тўламоқчи бўлганда, ундан пул олмади. «Бензин фақат 10-15-20 литрлаб сотилади» дея ўшқирди.

Совуқ важоҳатдан безиб, бу жойдан узоқроқ кетдик, энди... Шу тобда ҳалиги икки бола бизнинг томон кела бошлади, қўлини ортига қилиб олганидан бир нарсани яшириб келаётганлиги маълум эди. Салқин ичимликдан бўшаган идишда 1 литрча бензин экан.

— Сиз машинангизга мана шуни қуйиб олинг, шаҳобчагача етиб қолади, — деди уларнинг новчароғи. Мен бензин ва уларнинг ҳиммати учун чўнтак ковлашга улгурмасдан иш ўринларига чопиб кетишди. Бу ҳолатдан ҳайрон бўлдиму...

Болалар айтгандек, озгина бензинни машинага қуйиб, ёқилғи қуйиш шахобчасига етиб келдик. Биз пул тўлаганча, ҳалиги икки бола бизни навбатсиз таклиф қилишди. Бензин қуйишгач, мен уларга бояги 1 литр бензин қуйгани ва бизга қилган ҳиммати, хизмати учун 50 сўм узатдим. Улар баббаравар «Бизга уч сўм етади» — дейишди ва мен уларга аслида шунча тўлашим лозимлигини қанча уқтирмайин олишмади.

Кейин улар билан суҳбатлашдим. 1 литр бензинни навбатда турган машиналарнинг беш-ўнтасидан бензин қуйиш давомида сириқтириб олишибди. Уларнинг исмини сўрадим:

— Зуҳриддин, — деди бири.

— Ортиқ, — деди иккинчиси.

Мен улар билан хайрлашиб, машинага ўтиришим билан улардан бири «Ўртоғимизга салом айтинг, соғайиб кетсин,» — деди. Кўзимдан ёш тирқиради, улар мен ҳалиги баджаҳл йигитга 12 ёшли ўғлим касалхонада оғир ётганлигини, унга дори-дармон етказиб келаётганим ҳақидаги фойдасиз ўтинишларимни эшитган экан.

— Кета туриб ўйлайман, ҳалиги йигит ростдан ҳам қонунга итоат қиладими? Менимча, йўқ, кўп борса, у бу ҳаракати билан шу шахобчага тегишли баъзи бир сирларни ҳимоя қилди, холос. Хўш, Зуҳриддин билан Ортиқ-чи? Улар менинг кўнглимдаги ҳозирги болалар ҳақидаги ноҳуш тафсилотларни суғуриб ташлади.

Чори ЛАТИПОВ

ТАБИАТ ҚУЙНИДА

Инсон манфаатлари йилида болаларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказишда Тошкент вилояти касаба уюшмалари ва улар қаторида йирик корхона, ташкилотлар имкониятларини бирлаштириб, шаҳар ташқарисида йигирма учта болалар оромгоҳини болаларга топширди.

Бўстонлиқ туманига кираверишингиздаги тоғ ёнбағирларида жойлашган Қорамозор қишлоғида Чирчиқ шаҳар қурилиш материаллари ва ускуналари ишлаб чиқариш комбинатига қарашли «Гузал» болалар оромгоҳи бор. Оромгоҳдаги уйингоҳ, чўмилиш ҳавзалари ҳеч бир оромгоҳлардагидан қолишмайди. Бу эртакона масканда 19О та ўғил-қиз ўз соғлиғини тиклаб, дам олмоқда. Муслима Сариева раҳбарлик қилаётган ушбу дам олиш масканида мавсумни қизиқарли ва маззмунли ўтказиш тадбирлари пухта ташкил этилган. Шунингдек, оромгоҳда рақс, моҳир қўллар, қўшиқ, инглиз тили тўгараклари мавжуд.

Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаларига қарашли «Сумча» оромгоҳига келганимизда болалар шинам ва озода ошхонада тушлик қилишаётган экан.

Шуни қайд этиш керакки, Хоразм вилоятидан мазкур оромгоҳда 6О та бола дам олиб, соғлиғини тикламоқда. Бунинг учун оромгоҳда ҳамма шарт-шароитлар яратилган: 5 маҳал овқат, физиотерапевтик ускуналар ёрдамида тиббий даволаниш, саёҳатларга чиқиб дам олиш шулар жумласидандир.

«Бугунги иқтисодий қийинчилик даврида болаларимиз учун яратилган қулай шароит, тўкин-сочинлик, ғамхўрлик учун ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман»,-дейди Хоразм вилояти касаба уюшмалари кенгашининг бўлим мудири Бахтиёр Худойберганов.

Наима ЖАББОРОВА

Кадрлар сиёсати — давр талаби

МИЛЛАТ ФАХРИ

Кадрлар Ўзбекистон давлатини буюк келажак сари олиб чиқишда ҳал қилувчи куч-қудратдир. Шу ўринда соҳибқирон Амир Темурнинг «Тузуклари»да ҳам кадрлар, ўз салафлари, айниқса, дўсту қадрдонлари, қариндош уруғлари, ёру биродарлари буюк давлатни ташкил қилишда жон бериб жон олганлиги, садоқат билан хизмат қилганлиги мамнуният билан қайд этилганлигини эслайлик. Миллий давлат, унинг ривожланиш тақдири, истиқболи кадрлар қўлида бўлишини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бундан уч ой олдин «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Бу қарорнинг асосий мақсад ва вазифалари - ҳуқуқий демократик ва бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган Миллий дастур тузишдир. Бу борада Давлат комиссияси анча ишларни амалга оширди.

Яқинда мамлакатимиз Президенти ана шу соҳа фидойилари билан бўлган учрашуида яратилаётган Миллий дастур ва унинг қай аҳволда эканлиги тўғрисида тўхталиб, яна бир бор «биз ёшларимизни мустақил фикрлашга керакли даражада ўргата олмадик. Мактабларни битирган айрим ёшларнинг мустақил фикри йўқ. Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади», деб таъкидлади. Бундан кўриниб турибдики, Мустақил давлатимиз ғоясини ёшларга, халққа сингдириш, улардаги Ватанга, миллатга, истиқболли келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлаш бугуннинг, айниқса миллий дастурнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу ўринда умумтаълим мактаблари ҳамда махсус ва олий ўқув юртларини ислоҳ қилиш, ислоҳ қилганда ҳам уни тўбдан амалга ошириш зарурати борлиги сезилиб турибди. Сўнгги йилларда бу соҳадаги ишларни таҳлил қилсак, мавжуд аҳволни бирмунча такомиллаштириш зарурлигига гувоҳ бўламиз.

Кейинги уч йил ичида умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар сонининг ўсиш жараёни кузатилди. Агар 1994-1995 ўқув йилида ўқувчилар сони 4 млн.926 минг 430 нафар бўлса, 1996-1997 ўқув йилида уларнинг сони 5 млн. 212 минг 424 нафарга етди. Бу табиий ҳол. Айни замонда ҳар хил янги турдаги ўқув муассасалари сони сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Чунончи, 1995-96 ўқув йилида 178 лицей, 104 гимназия ишлаган бўлса, 1996-1997 ўқув йилида лицейлар сони 229 тага, гимназиялар 135 тага етди.

Таълим-тарбиида сонга қараб кадрлар салоҳиятини белгилаб бўлмайди. Бироқ бу турдаги ўқув муассасалари керак, албатта. Шу боис ҳам ёшлар бу ерда замон талаб қиладиган даражада таълим-тарбия оляптими? Ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш даврида улар 15-17 ёшли ўспиринларнинг талабларига жавоб берадими-йўқми?- деган ҳақли саволлар туғилади.

Гапнинг очиғини айтганда, Президент кўрсатмалари ва ҳукумат топшириқлари бу йўналишда тўла бажарилмаяпти. Халқ таълими вазирлиги, «Камолот»,«Умид»,«Истеъдод» жамғармалари, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, ёшлар таълим-тарбиясига даҳлдор мутасадди идоралар ўқувчи-ёшларнинг тўққизинчи синфни битиргандан кейин ўрта умумтаълим маълумот олиш учун ўқишни давом эттириши билан жиддий қизиқишмоқдами ёки улар ора-чора бирорта тадбир ўтказиш билан чекланиб қолишмоқдами? Фақат тадбир ўтказиш билан таълим-тарбияни ўнглаб бўладими?!

Яна фактларга мурожаат қилайлик: 1994 йилда 50 минг, 1996 йилда 100 мингдан ортиқ 9-синф битирувчилари ўқишни давом эттиришга ёки ишга тортилмай қолдилар. Натижада 10-синфга қабул кескин камайиб кетди. Ўқиш ва иш билан банд бўлмаган ўсмирлар сонининг кўпайиши III босқич мактаблари сонининг сезиларли тарзда қисқариб кетишига сабаб бўлди.

Бундай ачинарли аҳволдан чиқиш чораси сифатида Президентимиз, «биз мамлакатимизда тўққиз йиллик мажбурий ва уч йиллик ихтисослашган таълимни жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз», деб қатъий қайд қилдилар. Шу пайттача 9-синф тавсиф бўлган эди. Эндиликда уни битириш мажбурий ва уч йиллик ихтисос эгаллаш таълими, яъни 12 йиллик умумтаълим бугунги кун талаби, мақсадга мувофиқ деб қаралиши керак.

Президентимизнинг бу қатъий кўрсатмасидан учта йўналиш келиб чиқади:

-Тўққиз йиллик мажбурий таълим - бу ўсмирларнинг 15 ёшга тўлиши эндиликда болаларимиз 6 ёшдан ўқишни бошлашади, айни балоғат ёши бўсағаси - яъни ўқишн давом эттиришга ўзини тайёрлаган пайт:

- Ўз-ўзидан маълумки, яна уч йиллик - 10-12 синфларда ўқиши ўсмирнинг ихтисос эгаллаши учун айни балоғат ёши, етилиши ва ўзини меҳнатга, ўқишга (бакалавр ва магистрликка) чоғлашдир:

- Ўн саккиз ёш ўсмирнинг тўлишган, ҳийла ўзини тутиб олган пайти. Унда мустақиллик, уддабурролик, бирор ишга киришишга даҳлдорлик, ҳал қилувчилик қайфиятлари шаклланади. Йигитлар Ватан хизматига шай, тоғни талқон қилади. Қизларимиз мустақил онла бешигини тебратишга, жуфт ҳалоллик балоғатига тайёр бўладилар.

Ҳунар билим юртлари бугунги кун талаб даражасидами? Ҳунар билим юртлари ихтисосликлари эндиликда барча умумтаълим мактабларида мажбурий ўқитилишини ҳисобга олган ҳолда ўз йўналишини мутлақо янгилаши, ўзгартириши лозим бўлади. Чунки 12 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим мамлакатимиз ёшларига барча ихтисослик бўйича деярли ҳаммасини қамраб олиши ва амалга оширишига замин яратади.

Миллий дастур яратишнинг ўрта махсус ва олий таълимга даҳлдор йўналишида ўзининг очимини кутаётган муаммолар ниҳоятда кўплиги ва баъзи ҳолларда юртбошимизнинг фармойишлари бажарилмаганлиги бизни ажаблантиради. Ўтган, 1996-97 ўқув йилида барча олий ўқув юртлари қошида мақсадли, йўналтирилган лицейлар, зарурат бўлса гимназиялар очиш таъкидланган эди. Ҳозирги пайтда Республикамизда 60 дан ортиқ олий ўқув брти бўлгани ҳолда, 44 лицей ва 8 та гимназия ташкил қилинган. Бу йўналиш айни пайтда олий билим юртлари учун резерлар тайёрлаш, иқтидорли ўқувчи-ёшларни ўзларига жалб қилишнинг энг қулай усули, йўли-ку, ахир?!

Юртбошимиз миллий кадрлар тайёрлаш сиёсатини ўткасқир экан, унинг энг юқори погонаси - олий ўқув юртларида ўқишга, таълим олишга алоҳида диққат-эътиборни қаратмоқда. «Олий ўқув юртида фақат обрў учун эмас, балки билим олиш учун ўқиш керак», дейди Ислом Каримов. Бунда билим, ихтисослик, уни ҳаётга тадбиқ этиш жуда қўл келади.

Билим олишнинг илк манбаи - фан. Буни ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси, йўл-йўриғи деб тушунмоқ керак. «Фан-тараққиёт демакдир. Фанни юксак ривожлантирмай, Ватаннинг келажаги ҳақида гапириш қийин. Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас бурчдир»,- деб таъкидлади мамлакат Президенти. Ҳудди шундай қилиняптими? Бизнингча, миллий дастурнинг ўқ томири - бу фан тараққиёти ва унга ёшларни жалб қилиш билан белгиланади. Минг афсуски, бу борада тегишли вазирликлар, Фанлар Академияси қўл қовуштириб ўтиribди, депсиниб турибди. Фақат йилда бир марта Президент соҳрини билан тақдирланган аспирант ва талабаларни эслаймиз, холос.

Таълим-тарбия ва унинг тамойилларини ҳаётга тадбиқ қилиш педагог мураббийлар қўлида. Шу боис ҳам «педагоглик касбига ҳурматни ошириш, педагог ва мураббийлар меҳнатига қизиқишни қучайтириш» талби ушбу миллий дастуримизнинг асоси ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар кадрлари билан беллаша оладиган иқтидорли, салоҳиятли ва тафаккури теран миллий мутахассислар тайёрлаша шу кунларда ниҳоятсиз етаётган янги Дастур ёрқин йўл очиб беради, албатта.

Карим НОРМАТОВ,
профессор, педагогика фанлари.

ҚЎШИҚЛАРГА БУРКАНГАН ВАТАН

ЯКУНИЙ БОСҚИЧ

Яқинда Республика Ёш томошабинлар театри биносида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллигига «Ўзбекистон қўшиқ байрами»нинг Маданият ишлари вазирлиги тизимида ўтказилган танловларнинг Республика якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят голибликни қўлга киритган 42 та қўшиқ ижро этилди. Танловда ҳакамлар ҳайъати асосан шеър матни, мусиқаси, ижро услуби, саҳна маданияти каби томонларга эътиборни қаратди. Шунга кўра биринчи ўрин Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Маданият уйи бадиий раҳбари Эркин Қайтаровнинг Жуманиёз Жабборов шеърига басталаган «Нурли жаҳоним — Ўзбекистоним» қўшигига берилди.

Иккинчи ўрин эса Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Маданият уйи қошидаги «Бойсун» фольклор этнографик халқ дастаси ижро этган (Х. Хурсандов шеъри, Х. Умаров куйи «Ватан зикри» қўшигига, Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Маданият уйининг қатнашчиси Раҳима Сатторованинг (Х. Аминов шеърига, Х. Амирқулов куйи) «Яшнайвер абад» қўшиғи ижроси учун, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат Мусиқий театрининг солисти, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Кенисбой Сержанов ижро этган (З. Низомиддинов шеърига Қ. Заритдинов куйи «Яшна она Ватаним» қўшиқлари учун берилди.

Учинчи ўрин Жиззах вилояти Зарбдор тумани мусиқа мактаби ўқитувчиси Қаҳрамон Бобоқулов ижро этган (Жамол Камол шеърига, Б. Лутфуллаев куйи «Топмадим» қўшигига, Сирдарё вилояти Ховос туманидаги, мустақиллик билан тенг ёшли Дилшод Каттабековнинг (Мирзопўлат Мирзо шеъри, Дилором Омонуллаева мусиқаси) ижро этган «Азиз бўлсин Ўзбекистон» қўшигига, наманган вилояти Уйчи тумани «Тарона» ашула ва рақс дастасининг бадиий раҳбари Ривожиддин Шамсиддинов ижро этган Лутфулла Маҳмудов шеъри, (Маҳмуджон Иномов куйи) «Жон Ўзбекистон» қўшиқларига насиб этди.

Садбархон ЖЎРАЕВА

ШАНБА ГУРУНГИ



Шоҳимардон манзараси

КЕНГЛИКЛАРДА ТУҒИЛГАН НАВО

— Пўлкан бахши сулоласи номи нафақат республикамизда балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир. Сулоланинг бош бўғини Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ўзининг қувваи ҳофизасининг кенглиги, топқирлиги, мард ва тантилиги билан халқ меҳр — муҳаббатига сазовор бўлган инсон эди. У киши 74 та достонни ёд билиб, ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. У киши сўзни улуғлайди, сўзлаганда ҳам кўнгилга хуш ёқувчи каломларни саралаб, шеърий йўсинда баён этади.

Бир куни тошкентдан табъи назм аҳлларидан бир гуруҳи зиёрат қилиш истагида шоир яшаётган Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Чигатой қишлоғига йўл олишади. Сўраб-суриштириб, уйларини топиб боришгач дарвозани қоқишганда, ундан ҳозиргина мол-ҳолга қараб, эски чопон эски уст-бош кийган Умарқул бобо чиқадилар. Шоирни таниманган ижодкорлар «Пўлкан бобо шу ердамилар?» қабилида сўз айтишади.

«Билдимки, улар мени бир хизматкор ҳаёл қилдилар. Шу пайт дилимдан қўйилиб келаётган туйғуларимни сўз ришталарига тизабердим», — дейдилар отахон.

«Отим Умарқулдир,
Пўлканнинг ўғли,
Шоирлар ичида улканнинг ўғли.
Фақат Пўлкан эмас,
ўлкамнинг ўғли,
Завқланиб қуйлайман
юрагим чўғли...

Шундан сўнг улар мени таниб, қучоқлашиб кўриша кетдилар.

Умарқул бобо кўча-кўйдами, уйдами барчани шу хилда қулдириб, дилу-димоғимни чоғ қилиб юрадилар. Лекин нимасини айтасиз, ижодкор одамнинг бахти доимо тўкис бўлавермас экан. Умуман олганда у бошқаларга ўхшамайдиган шахс. Оддий одамлар турмуш ташвишлари, ўзларининг майда-чуйда ғаму қувончлари билан ўралиб яшайверишади. Кундалик риску насибалари сероб, устлари бут, қоринлари тўқ бўлса шунинг ўзи кифоядек.

Туну кун одамлар ҳақида ўйлаб, уларнинг кечаги, бугунги ва эртанги кунларидаги ҳаётлари, бахту саодатлари, кези келса фожиалари ҳақида қайғуриш чин шоирлар чекига тушган уларни жамиятнинг уйғоқ кўзлари, бедор юрагига ўхшатиш мумкин.

Умарқул бобонинг қайғу ва дард улғайтирган. Оғриқлар одам қилган. Шу боисдан отахон шодликни кўмсайди, бахту қувончни барча билан барҳам кўргиси келади.

— Ёшлигимдан отамдан жуда эрта етим қолдим, — дея эслайдилар отахон. — Ўшанда мен — 12 ёшлик норғул ўспирин кимсасиз катта ҳовлида ёлғиз ўзим қолдим. Еб-ичишга рўзғорда ҳеч нарса йўқ эди. Ҳамма ўз дарди, ташвиши билан яшаётган кунлар... Дафъатан уруш бошлангани ҳақидаги хабар яшин тезлигида қишлоққа тарқалди. Уруш... барча бўй етган йигитлар фронтга жўнай бошлашди. Мени ҳам жангга юборишлари учун ариза бердим. Дастлаб ёшлигимни ҳисобга олиб, юборишмадилар. Ҳаётнинг ўзи ўқитди. Ҳеч ким ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмасдан,

ЕТУКЛИК ПАЛЛАСИ

Таниқли адабиётшунос олим, мураббий, олий филологик таълимнинг йирик ташкилотчиларидан бири ҳамда оқибатли, дилкаш инсон ва ҳозирда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультетининг декани Абдуғофур Расулов муборак олтмиш ёшга тўлди.

Абдуғофур ака Қарши педагогика институтида ўн йилча ишлаб, кўплаб ёру биродарлар, шогирдлар орттириб ва айниқса, қашқадарёликлар учун ҳурматли юртдошга айланиб, сўнг ўз фаолиятини Тошкент Давлат университетида давом эттирди. Шундан бери мана, ёнма-ён ишлаб келаяпмиз. Шу йиллар ичида домла ҳаётининг яна қанчадан-қанча ижобий қирраларини кашф қилдим ва бошқаларнинг ҳам шу хилдаги мулоҳазаларини кўп эшитдим. Чунончи, журналистика факультети 2-курс талабаларининг А. Расулов ўтган дарсини хурсанд бўлиб муҳокама қилганларига гувоҳ бўлганман. Бу курсда ҳозирги таниқли ижодкорлар Усмон Азимов, Эркин Аъзамов, Исмоил Тўхтамишев, Нодир Норматов ва бошқалар ўқир эдилар.

А. Расулов адабиётшунос сифатида ўнлаб монографиялар ва рисолалар, бир нечта дарсликлар, икки юздан ортиқ илмий-услубий ҳамда ўқув-услубий мақолалар эълон қилди. Уларда тафаккурнинг илмий-эстетик ҳамда фалсафий дунёқараш шакллари ҳам қамраб олинган. Булар муаллифнинг «Янги замон — янги қаҳрамон» номли илк китобидаёқ ўз аксини топган эди. Жумладан, олим ёзганидек, «Интеллектуаллик» — сўнгги йиллар танқидчилигида кўп қўлланилаётган термин. Қаҳрамон сермушоҳада, ақлли бўлдими, интеллектуал деб аталаверади. Ваҳоланки, интеллектуаллик, гарчи интеллект сўзидан пайдо бўлса-да, ақл-заковат маъносини билдирмайди... Интеллектуаллик дунёқараш ва дунёни ҳис этиш, қабул қилиш, жамиятнинг ижтимоий-эстетик Идеали билан шахсий интилиш мақсадларида узвий боғлиқликнинг бўлишида, деб ёзган эди. Кўринадики, бу сиқиқ фикр фалсафа ва эстетика муаммоларига тегишли бўлиб, аниқ олинган соҳа-бадиий танқидчиликка тадбиқан қўлланган.

Фалсафа муаммоларига қизиқиш А. Расулов мақолаларида аниқ мақсадларга йўналтирилган. Олимнинг шахс муаммосига доир савол-жавоблари университет файласуф-ўқитувчиларини ҳам ўйлантириб қўярди.

ТошДУнинг 75 йиллик юбилейи муносабати билан маълум сарҳисоблар қилинди. Чунончи, университет фани тарихига доир эълон қилинган китобда Ватан филологияси фани соҳасида фаолият кўрсатган олимларнинг иши таҳлил қилинган. Бунда каттагина илмий йўналишлар бошида турган таниқли адабиётшунос профессорлар Ғулом Каримов, Умарали Норматов ва бошқалар қатори Абдуғофур Расуловнинг ҳам бажарган тадқиқотларига кўра алоҳида йўналиш — танқидчилик тарихи йўналишини асослаб берганлиги алоҳида қайд этилган. Домла шогирдлари билан бу йўналишни янада юқорига кўтариш керак дейишга барча асослар мавжуд.

Домла шахси тўғрисида сўз юритганда, унинг матбуот, радио ҳамда телевидениеда ҳам ёшлар ижоди масалаларида дастурий тадбирлар туркумини ёритишга бошчилик қилганини айтмасдан бўлмайди. А. Расулов телевиденияда узоқ вақт «Ёш ижодкорлар даврасі»ни бошқарди. Бу даврадан ҳам кўплаб таниқли ижодкорлар етишиб чиқди.

Абдуғофур Расулов ҳозир айни балоғат, етуклик палласида. У ҳали кўпдан-кўп теран тадқиқотлар яратиб, фанимиз тараққиётига ҳисса қўшади, мустақил Ватанимизга муносиб шогирдлар етиштиради, деб комил ишонч билан айта оламиз.

Акбар ЎТАМУРОДОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети касаба уюшма қўмитасининг раиси, доцент.

Спорт

ОСТОНЖОННИНГ ҒАЛАБАСИ

Остон Чўлиев Қарши шаҳар давлат санитария назоратида бўлим мудири бўлиб ишлайди. Аммо унга полвонлик қилиш азалий одат. 6 ёшидан бошлаб курашиб келади. У болтур Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида самбо бўйича ўтказилган Ўзбекистон спартакиадасида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Югославияга йўлланма ҳам олишга муваффақ бўлди.

Яқинда Югославия Федерациясининг Будва шаҳрида фахрийлар ўртасида курашнинг самбо тури бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди. Остон Чўлиев ҳам мазкур беллашувда иштирок этди. У ўз вазни бўйича курашиб, иккита олтин нишон ва жаҳон кубоги соҳиби бўлди.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

ФИФАнинг Цюрихдаги қарорғоҳида 1998 йил Францияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларининг Осиё қитъаси учун иккинчи босқич ўйинлари жадвали анъанага кўра қуръа ташлаш йўли билан аниқланди. Ҳамюртларимиз шунга кўра иккинчи гуруҳда Корея, Япония, Қозоғистон ва БАА терма жамоалари билан тўп сурадиган бўлишди. Биринчи гуруҳда эса Саудия Арабистони, Кувайт, Эрон, Катар ҳамда Хитой футболчилари куч синашади. Ўйинлар қачон, қаерда ўтказилиш санасини биз навбатдаги шарҳларимизда маълум қилиб борамиз.

Баъзи сабабларга кўра ўтказилмаган Ўзбекистон — Яман терма жамоалари учрашуви ФИФА кенгашининг қарорига кўра яқин ўртада бўлиб ўтади.

У. АҲРОРОВ.

Тоғ йўллари

«МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ»

(28 июль - 3 август кунлари учун)

ДАЛВ (21.01-18.02) ойи фарзандлари учун бу ҳафтада ўз соғлиқлари билан шуғулланиш кўп фойдалидир. Бундан ташқари бошлиқлар қабулидан ҳам яхши натижа билан чиқишлари мумкин. Бу ҳафтада сафарга чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Тузилажак аҳдномалар манфаатли тугаши кутилади. Бу ҳафтада қилинажак хайрия ишлар натижаси ўша хайрия эгасига катта-катта фойда келтиражаги аниқ.

ҲУТ (19.02-20.03) ойида туғилганлар учун бу ҳафта кўпроқ эҳтиёткор булишлари маъқулроқ. Агар улар ишларида бепарволикка йўл қўймасалар умид шуки натижа яхши булади. Бу ҳафтада бошлиқлар қабулига киришдан ҳам яхши манфаат кутиш мумкин.

ҲАМАЛ (21.03-20.04) ойида туғилган фарзандлар учун бу ҳафта тўла омад ҳафтасидир. Бу даврда улар ўзларининг барча ишларида катта муваффақиятларга эришадилар. Хусусан, муҳаббат борасида омадли буладилар.

САВР (21.04-21.05) ойида туғилганлар учун бу ҳафта иложи борича келишмовчилик чиқиш мумкин бўлган ишдан йироқ булиб, мижозлари ёқтирмайдиган кимсалар билан учрашмаганлари маъқулдир.

ЖАВЗО (22.05-21.06) ойида туғилганлар учун бу ҳафта омадли келиши кутилур. Бу кунларда оила бюджетига катта маблағ тушиши, ишхонада лавозими яхши томонга узгариш ҳолатлари эҳтимол қилинур. Шу билан бирга ишлаб чиқариш ва ижодий ишларда ҳам яхшитинг натижаларга эришишлари умид қилинур.

САРАТОН (22.06-22.07) ойида туғилганлар учун бу ҳафтани аввалги ярми нахс қолган қисми эса омадли келиши кутилур. Шунинг учун аввалги кунларда иложи борича бирор жиддий ишга қўл урмай турган маъқул. Хусусан савдо-сотиқ ва сафарга чиқишдан сақланиб туриш тавсия этилур.

АСАД (23.07-23.08) ойи фарзандлари ёлғон-яшиқдан бутун ҳафта давомида узларини тия олсалар, кўзлаган ниятларига эришурлар. Ҳафта оилавий қувончларга бой, турмуш ширин ва осойишта утади. Ишхонадаги барча ишлари жойида булур.

СУНБУЛА (24.08-23.09) ойи фарзандлари учун бу ҳафта нахс аралаш келиши кутилур. Шунинг учун иложи борича катта ишларни бошлашни тўхтатиб турмоқ маъқул. Сафарга чиқиш ва раҳбарият билан буладиган муносабатларда ҳам эҳтиётлик зарур. Айниқса, молиявий ишларда қийинчиликлар пайдо булади. Дуогўй ота-она ва солиҳ кишиларнинг дуоларини олиш ва уларни хурсанд қилиш билан юз беражак баъзи нохушликларнинг олдини олиш мумкин.

МЕЗОН (24.09-23.10)ойи фарзандлари учун бу ҳафта омадли ҳисобланади. Савдо сотиқ ишлари билан шуғулланиш билан кўзланган натижага эришиш мумкин. Имконият борича ҳеч кимнинг дилини оғритмасликка ҳаракат этмоқ даркор. Бу ҳафтада тузилажак битим ва шартномалар ҳам кўп манфаатли бўлур.

АҚРАБ (24.10-22.11) ойи фарзандлари учун ҳафтанинг аввалги кунлари анча нахс келиши кутилади. Шунинг учун улардан эҳтиёткор ва ҳушёр туриш талаб қилинади. Айниқса, теварак атрофдаги кишилар билан яхши муомалада бўлмоқдан кўп наф кўриш мумкин. Ҳафтанинг охирига бориб, ишлар яна жойига тушади. Молиявий омадлари ҳам юришиб, катта маблағга эга булишлари мумкин. Ҳафта сўнгида муҳаббат соҳасида ҳам омад кулиб боқиши кутилади.

ҚАВС (23.11-21.12) ойи фарзандлари учун бу ҳафта омадли келиши кутилади. Хусусан, ишхонадаги юмушлар юришиб кетади. Ҳатто мансабдаги юқори лавозимларга кўтарилиш содир булиши ҳам мумкин ҳафта ичи бирон ҳайрия иш қилинса, хусусан муҳтож ва бева-бечораларга ёрдам берилса, омадга омад қўшилади.

ЖАДИЙ (22.12-20.01) ойида туғилганлар учун келаси ҳафта тинч осойишта булиши кутилур. Мазкур кунларда режадаги барча ишлар билан шуғулланиш мумкин. Хусусан савдо ишлари ва оилавий дам олишлар жуда яхши натижалар билан тугаши кутилур.

Наманган вилояти Турақўрғон тумани «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамияти томонидан Султонов Исломжон Усмонович номига 1997 йил 30 июнда 327-сонли ва 328 - сонли 1997 йил 10 июлда берилган 335-сонли ва 336-сонли «Ишонч» қоғози ва «ташқи иқтисодий алоқалар» қатнашчиси «Гувоҳномаси» АО N - 3/155/ МВЭСРУ/ йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«УНИВЕРСАМ SUP» фирмаси тугатилади. Даъволар билан мурожаат қилиш муҳлати бир ой.

«ҚАШҚАДАРЁСАЙЁҲ»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
«Қашқадарёсайёҳ» ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиз фуқароларини, жамоаларини воҳадаги манзилгоҳ ва зиёраттоҳларга, шунингдек жонажон республикамиз ва хорижий давлатлар бўйлаб саёҳатларга таклиф қилади.
Сайёҳлар Қарши шаҳрида Қиличбек мадрасаси, Кўк гумбаз масжиди, Хўжа Жарроҳ, Султон Мирҳайдар зиёраттоҳлари, XVI аср Ўнбир равоқ кўприги каби тарихий обидалар, халқ ҳунармандчилиги ва ўлкани ўрганиш музейлари, «Шуҳрат» қўрғонини, Шаҳрисабз шаҳрида эса улуғ бобоколонимиз Амир Темур қурдирган Оқ сарой қаҳасини, Чубин мадрасасини, Дорутиловат, Дорусаодат мажмуалари, Мирзо Улуғбек бунёд этган жаҳонга машҳур халқаро Кенглик станциясини тамоша қиладилар.
«Қашқадарёсайёҳ» ҳиссадорлик жамияти биргина сайёҳларни қабул қилмасдан, уларни тарихий обидаларга бой Андижон, Фарғона, Қўқон, Тошкент, Хива, Бухоро шаҳарлари бўйлаб 3-5 кунлик саёҳатларга, шунингдек, Эрон, Англия, Германия, Греция, Исроил, Ҳиндистон, Покистон, Франция, Голландия, Хитой, Кичик Осиё, Араб Амирликлари, АҚШ, Сурия, Таиланд, Туркия, Жанубий Корея мамлакатлари бўйлаб 7-14 кунлик саёҳатларга юборади.
Йўлланмалар жамоалар учун 30 фоизга арзонлаштирилган бўлиб, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан ҳарид қилишингиз мумкин.
Манзилгоҳимиз: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 245-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 5-46-33, 5-15-61, 4-38-02, 3-57-09.

«КАФОЛАТ ИНВЕСТ»
БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯСИ
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ
DAROMAD Plus
бир дона акция нархи 100 сўм
ҳар бир акция 600 сўм актив билан таъминланган
ШОШИЛИНГ: ХИФ «Даромад Плюс» акциялари Халқ банки ва Турон банкининг ҳамма шохобчаларида сотилмоқда.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 8-уй «Биржа Маркази», 18-хона. Тел: 1320746, ички 300.
ХИФ «Даромад Плюс» акциялари фойдали ва ишончлидир. 07.01.97 йил 460-сонли лицензия

ДУШАНБА, 28

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».
***
8.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
8.50 «Дунё — болалар нигоҳида». Халқаро кўрик-танлов.
9.30 «Кетмас давлат берсин».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун фильм. «Бембининг ёшлиги».
11.10 «Илм ўзликни билмакдир». Маърифий курсатув.
11.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.05 «Газалхон ёшлигим».
12.30 «Гугуртга кетиб». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.55 Мерос. «Кубро». Бадиий-публицистик курсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.15 «Умид учқунлари».
18.35 «Фан фидойиси». Олим Раҳмонбек Раҳимбеков хотирасига.
19.05 «Ҳуқуқ сабоқлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Умрбоқий тароналар».
21.35 «Сиёсат оламида».
22.05 Ойнаи жаҳонда биринчи марта Э. Воҳидов. «Иккинчи тумор». Оғаҳий номидаги Хоразм вилоят драма театрининг спектакли.
23.50 Эълонлар.
23.55 «Ахборот».
00.20 «Олам ва одам».
00.45—00.50 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.20 «Спорт қитъаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 Кинонигоҳ.
22.00 Кундалик.
22.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.20 «Спорт қитъаси».
23.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
24.00—00.10 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденияси.
17.20—20.30
*
20.30 «Кругозор». Тележурнал.
*
Россия давлат телевиденияси.
21.00—21.30
*
21.30 «Канизак Изаура». Телесериал. (Сўнгги серия).
22.30 Эълонлар.
22.35 «Нафосат оламида». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кунгли синиклар мактаби». Телесериал.
19.35 «Умид».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Авторейд».
20.35 «Фариштам».
21.00 «Ракурс».
21.30 «Спорт-тайм».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.15 «Шарқ тароналари». Самарқанд халқаро мусиқа фестивали олдидан. 1-курсатув.
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 29

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
***
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам».
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Сурхон тонги».
9.20 Биржа ва банк хабарлари.
9.35 «Умрбоқий тароналар».
9.50 «Ғаройиб орол». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бозор ҳақида ўйлар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97» Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 «Качал полвон». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
12.20 «Қонун ва биз».
12.55 «Сирли шарча». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.50 Э. Воҳидов. «Иккинчи тумор». Оғаҳий номидаги Хоразм вилоят драма театрининг спектакли.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Она сайёра». Кинокўрсатув.
18.40 Олтин мерос. «Хўжанд». Тележурнал.
19.00 «Тарихингдур бир жаҳон». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Европа таассуротлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Эстрада тароналари.
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига «Юртим муъжизалари».
22.10 «Ором онлари». Дам олиш дастури. Қибрай тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
22.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».
23.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ассалом алайкум, азизларим».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Япония ҳақида ҳикоялар.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Доиче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» мехмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик...
22.50 «Акс»
23.10 «Авлодларимиз».
23.25 «Спорт қитъаси»
23.55 «ТВ плюс...»
00.10—00.20 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденияси.
6.30—8.00
***
17.20—20.30
*
20.30 «Аждаҳо ва қуёш», «Масленкалик бузоқча». Мультфильмлар.
*
Россия давлат телевиденияси.
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Севгилим учун учта лимон». Бадиий фильм.
22.40 «Нилуфар гуллаганда». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун» Ахборотдам олиш дастури.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 Долзарб репортаж.
21.00 «Уйинғоҳ».
21.30 «Америкага назар».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон — бешинчи довон».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
***
8.25 Эстрада тароналари.
8.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Юртим муъжизалари».
9.15 «Соғлом авлод учун».
9.30 «Япония ҳақида ҳикоялар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97». Физика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Бокира туғилар».
11.50 «Совун ўғрилари». Бадиий фильм.
13.15 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.40 «Бармоқлар сеҳри».
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.45 «Ором онлари». Дам олиш дастури. Қибрай тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.40 «Ер ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.45 «Юрагимни ёйиб яшайман». Телеочерк.
19.05 Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар: «Маслак ва мақсад».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Остоя» тароналари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Миллий мусиқий қадриятлар». Савти Фаттоҳхон.
21.50 Бухоро—2500. «Бухорои Шариф».
22.10 «Вазият».
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Ў. Хошимов. «Инсон садоқати». Телеспектакль. 1-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Камолиддин Бехзод номидаги Давлат мукофотига номзодлар. «Тасвирга кўчган кўнгил».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.

18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10—00.20 Кундалик.
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденияси.
6.30—8.00
***
17.20—20.30
*
20.30 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевиденияси.
21.00—21.30
***
21.30 «Ўғрилик». Бадиий фильми. 1-серия.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Ўзбекистон ботаника боғи». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиклар мактаби» Телесериал.
19.30 «Ирендэк».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.35 «Нафосат гулшани».
21.05 «Таклифлар ва ташрифлар».
21.30 «Автосалтанат».
21.40 «Парвоз».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
22.10 «Шарқ тароналари». Самарқанд халқаро мусиқа фестивали олдидан. 2-курсатув.
23.20 «Қалдирғоч». Қисқа метражли бадиий фильм.
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 31

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
8.55 «Миллий мусиқий қадриятлар». Савти Фаттоҳхон.
9.25 «Эл тинчлиги йўлида».
9.45 «Истак бору, имконият-чи?»
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Чемпион билан учрашув». Чавандоз Даврон Рўзимуҳамедов.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97». Математика.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 «Нотаниш дил суҳбати».
«Ёшлик студияси намойиш этади:
11.45 «Идрок».
11.55 «Орзулар қанотида».
12.15 «Истеъдод».
***
12.35 «Бола дунёни тебратар». Мактабгача тарбия масалалари.
13.05 «Сайқал» Тележурнал.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.40 «Кўк серек». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гуллармиз».
18.30 «Авлод».
18.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Озод ва обод юрт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Инсон манфаатлари йили».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Кўшиқ байрами.
21.50 «Сонишнома». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.10 «Таҳлил».
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Ў. Хошимов. «Инсон садоқати». Телеспектакль. 2-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Манзилимиз — Регистон». Адабий кўрсатув.
00.20 — 00.25 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Мультипанорама».
9.25 «Турфа олам».
9.45 «Тўхфа».
9.55 «Бу мунис лаҳзалар».
10.20 «Жараён».
10.30 «Даллас». Телесериал.
11.20 «Миллионлар уйини».
11.50 «Таквим».
12.00 «Видео-О».
13.40—14.40 Болаларнинг ёзги таътил кунларида.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Кўзмунчоқ».
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт кўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Қатрада қуёш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.10 «Мутойиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Одобнома».
21.25 «Мунажот». Мумтоз наволар.
21.35 Эълонлар.
21.45 «Кино жавонидан».
23.50—24.00 «Даракчи».
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденияси.
6.30—8.00
***
17.20—20.30
*
20.30 «Биз қандай дам оляпмиз?» Тошкентдаги «Шарқ гули» қорхонаси мисолида.
*
Россия давлат телевиденияси.
21.00—21.30
***
21.30 «Ўғрилик». Бадиий фильм. 2-серия.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Заргар». Телефильм.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Айчурэк».
20.20 «02» тўлкинида.
20.35 «Компьютер ревю».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Эльдорадо». Телесериал.
21.25 «Интерспорт».
21.35 «Голлиудданг ажабтовур ўйинлари». Сериал.
22.05 «Европа манзаралари». Швейцариянинг миллий байрами — Конфедерация куниги.
22.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.55 «Сени излайман». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 1

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Кўшиқ байрами.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Манзилимиз — Регистон». Адабий кўрсатув.
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шоҳсанам».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кишлоқ стадионларида».
10.25 «Ислоҳот одимлари».
10.35 Болалар учун фильм. «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят».
11.45 «Қалб кўзгуси».
12.05 «Кувноқ ёз».
12.25 «Буланка» меҳмонхонаси». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Наташа учун эртак». Мультфильм.
18.20 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.40 «Битик». Адабий кўрсатув.
19.00 «Излаган имкон топади».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Шеър ва шуур».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Умрбоқий тароналар».
21.45 «Маърифатнома».
22.15 Хива—2500. «Меҳр макони».
22.35 «Бир жуфт кўшиқ».
22.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Юртим муъжизалари».
23.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
00.10 Эълонлар.
00.15 «Ахборот».
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.
II
9.00 «Кўзмунчоқ».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Бир жуфт кўшиқ».
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Қатрада қуёш».
10.05 «Дубляж».
10.20 «Мутойиба».
10.35 «Одобнома».
11.10 «Мунажот». Мумтоз наволар.
11.10—13.15 «Кино жавонидан».
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 «XXI аср авлодлари».
19.00 «Ҳар лаҳзада кўшиқ».
19.05 «Спорт қитъаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.05 «Бу қизиқарли».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Йирик планда». Видео янгиликлари.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.15 «Дераза».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 «Даракчи».
III
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденияси.
6.30—8.00
***
17.20—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Мисгар», «Келин отланиш маросими». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевиденияси.
22.00—22.30
***
22.30 «Асрлар оҳанги», «Амалий санъат ворислари». Телефильмлар.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кунгли синиклар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Рангинкамон».
20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Эльдорадо». Телесериал.
21.35 «Йўллар ортидаги йиллар».
22.00 «Латофат».
22.20 Араб эстрадаси.
22.40 «Ҳумо куни ишдан сўнг».
23.10—23.20 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 2

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Араб эстрадаси.
9.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Юртим муъжизалари».
9.20 «Алпомиш авлодлари».
9.40 «Цирк, цирк, цирк!».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.10 «Бахс».
10.30 «Умр йўллари».
10.50 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
11.55 Хабарнома.
12.15 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
13.50 «Маърифатнома».
14.20—14.40 «Болаларга бахшида умр».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Гулгунчалар».
18.15 Мультолам.
18.35 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар.
19.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Маҳалладан бошланур Ватан». Премьера.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти янгиликлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистоннинг янги тарихи.
21.30 «Шийпондаги